O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 10-yanvar • Payshanba • 5 (27.810) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Фарзандларимиз армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда, қатъий ҳаётий позицияси шаклланмоқда, энг муҳими, улар Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар бўлиб камол топмоқда».

☑ 2008 йил – Ёшлар йили

Ўн олти ёшли кашфиётчи

У ҳаво билан ҳаракатланадиган двигател яратди

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганиши, ҳар томонлама камол топишига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик бугунги кунда ўз самарасини бераётир. Ёшларимизнинг спорт, санъат, таълим ва илм-фан соҳаларида эришаётган ютуқлари ана шу эътиборнинг амалий натижасидир.

Маъруфжон Каримов ана шундай умидли, келажаги порлоқ ёшларимиздан бири. У яратган ажойиб кашфиёт мутахассислар томонидан илм-фан, техника оламида катта янгилик сифатида баҳоланмоқда.

Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицейда физика-математика йўналиши бўйича таҳсил олаётган Маъруфжон болалигидан техникага, айниқса, автомобилларга қизиқади. Отаси Мўмин акадан, маҳалладаги чилангар усталардан машиналарнинг ички тузилишига оид жуда кўп нарсани ўрганди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган «Келажак овози» танлови кўплаб иқтидорли ўғил-қизлар қатори Маъруфжон учун ҳам ўз истеъдодини намоён этиш имконини яратди.

У 2007 йилги танловда «Рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар» йўналишида ўзи яратган «ҳаво двигатели» лойиҳаси билан иштирок этди. Танловнинг мамлакат босқичида Маъруфжоннинг бу лойиҳаси ҳакамларда катта қизиқиш уйғотди. Мутахассислар қурилмани ҳар томонлама синовдан ўтказди. Ёш ихтирочи двигател чиндан ҳам ҳаво ёрдамида машинани ҳаракатга келтиришини барчанинг кўз ўнгида исботлади. Лойиҳа ўз йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди.

Маълумки, ҳаво билан ҳаракатланадиган двигетални яратиш инсониятнинг асрий орзуларидан бири. Бу ҳақда олимлар кўпдан бери бош қотириб келади. Айниқса, фан-техника ривожланиб, арзон ва сифатли, атроф-муҳит учун хавфсиз ёнилғига эҳтиёж кучайган ҳозирги кунда Маъруфжоннинг бу иши ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қурилманинг асосий хусусияти шундаки, зичланган ҳаво катта босим билан ички ёнув двигателини ҳаракатга келтиради. Айни пайтда ҳаво сўрувчи мосламалар двигател ҳаракатланганидан кейин махсус баллонга етарли миқдорда юқори босимли ҳавони етказиб туриши лозим. Махсус баллондан чиқариб юборилаётган ва қабул қилинаётган ҳавонинг миқдори бир хил бўлиши шарт. Мазкур двигател чангли ва заҳарли ҳавони сўриб олади ва махсус фильтрлар ёрдамида тозалаб атмосферага чиқаради. Демак, мазкур қурилма ҳар томонлама қулай, экологик жиҳатдан тоза ва хавфсиз.

Тўғри, ҳозирча бу двигателнинг тезлиги ҳам, кучи ҳам унчалик юқори эмас. Аммо дастлабки автомобиль ва самолётлар ҳам жуда содда тузилишга эга бўлгани, нисбатан секин ва кам масофага ҳаракатланганини эсласак, Маъруфжоннинг ихтироси келгусида техника оламида улкан ўзгариш ясай олишига шубҳа қолмайди.

— Мен ўз мақсадимга эришиш йўлида изланишдан тўхтамайман, — дейди Маъруфжон. — Дунё бўйича бир кунда атроф-муҳитга 120 миллион тонна кул, 60 миллион тонна заҳарли газ чиқарилмоқда. Агар ҳаво билан юрадиган машиналар яратилса, бу муаммолар бироз бўлса-да барҳам топган бўлур эди.

— Маъруфжон дарс пайтида двигателни ҳаракатга келтириш механизмлари ҳақида кўп савол берганида буни шунчаки болаларга хос қизиқиш деб ўйлагандим, — дейди унинг устози, академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси Шодиёр Худойбердиев. — Бир куни у ўзининг ғалати лойиҳаси ҳақида гапириб берди. Бу мени ҳам қизиқтириб қолди. Унга назарий жиҳатдан қўлимдан келганича ёрдам қилдим. Қисқа вақт ичида Маъруфжон ҳаво билан ишлайдиган двигател яратиш мумкинлигини исботлади.

Бу Маъруфжон бошлаган ишнинг дастлабки босқичи, холос. Келгусида уни янада такомиллаштириш керак. Бу борада Маъруфжонга «Сино» очиқ акциядорлик жамияти яқиндан кўмак бермоқда. Дарвоқе, юртимиз олимлари билан бирга Германиядан ташриф буюрган мутахассислар ҳам ёш ихтирочининг бу лойиҳасига қизиқиб қолди. Улар бу ишнинг катта аҳамиятга эга эканини эътироф этмоқда.

— Юртимизда билимли, интилувчан, иқтидорли ёшлар кўп, — дейди М.Каримов. — Президентимиз ташаббуси билан уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам барчамизни янги, улуғвор ишларга руҳлантирмоқда. Мен ҳам дунё илм-фанига муносиб ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлишга, юртимиз довруғини олам узра янада кенгроқ ёйишга ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

Голиб ҲАСАНОВ,
Рустам ЖАББОРОВ
ЎзА мухбирлари

☑ Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«Нисотекстил» — қишлоқда юксак технологияли корхона

— Замонавий юксак технологияларга эга саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган таркибий ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, — дейди Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғининг «Наврўз» маҳалласида жойлашган «Нисотекстил» хусусий корхонаси раҳбари Роқия Ҳабиалиева. — Масалан, бизнинг корхонамиз асосан 100 фоиз пахта толасидан болалар кийимлари ишлаб чиқаради. Ҳозир уларнинг тури 200 хилдан ошди. Ҳолбуки, шундай кенг ассортиментдаги маҳсулотни бор-йўғи 60 нафар киши кучи билан тайёрлаяпмиз. Бу — албатта, замонавий юксак технология линияларини муваффақиятли ишга солганимиз туфайли.

Корхона раҳбари яна шуни алоҳида таъкидладики, эндиликда қишлоқ жойларида ихчам, юксак унумли технологиялар билан жиҳозланган кичик корхоналарнинг вужудга келиши, бу — Мустақиллик шарофати. Қолаверса, эндиликда қишлоқларда нафақат саноат корхоналари пайдо бўлаяпти, айни чоғда уларга сармоя кириб келаяпти, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда...

Замон АЛИ

Суратларда: *корхонанинг илғор тикувчилари.*
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Қалбаки гувоҳнома, сохта ҳужжат, кирим қилинмаган пуллар... ёки ноқонуний даромад топиш мақсадида қинғир ишга қўл урганлар ҳақида 2

Мелиорация: Янги босқич бошланяпти

Нафақат бир туман, балки бутун воҳа деҳқончилигининг тақдири ана шу жараёнга боғлиқдир 3

Оксана Чусовитина: *«Ўзимни Ўзбекистондан қарздор деб биламан»*

Афсонавий спортчи қизимизнинг ташвиш ва орзулари ҳақида 4

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Тўлқин Раҳимов маъруза қилди.

Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2005 йил 14 сентябрда қабул қилинган ва 2007 йил 7 июлда кучга кирган. Ҳозирги вақтда 115 та давлат уни имзолаган 24 та давлат Конвенцияга аъзо ҳисобланади.

Мазкур Конвенция аъзо давлатлар ўртасида содир этилган ҳаракатни жиноят сифатида тан олишнинг ягона ҳуқуқий негизини яратади, халқаро ҳамжамиятнинг ядровий терроризмга қарши курашида кўмаклашади ва унинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга имкон яратади. Ушбу Конвенция экстрадиция соҳасида ҳуқуқий негизни ўрнатади, аниқ ва текширилган маълумотлар беришда кўмаклашади ҳамда Конвенцияда кўрсатилган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, тергов қилишда маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштиради.

2-бет

☑ 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси

Ўзбекистон Куролли Кучлари Марказий музейида анъанавий умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси очилди.

Унинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Куролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Куролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур кўргазмада намойиш этилаётган асарларда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти, ҳарбийлар ҳаёти ўз ифодасини топган.

Кўргазмада таниқли ва ҳаваскор ижодкорлар — ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларнинг тасвирий санъат, халқ амалий санъати, ўймакорлик, ганчкорлик, тўқимачилик ва зардўзлик буюмларидан иборат юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.

Кўргазма март ойига қадар давом этади.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Суратда: *кўргазмадан лавҳа.*
Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

2-бет

Сирдарё узра янги кўприк

Шу кунларда узунлиги 290,9, эни 11,5 метрни ташкил этган ва Наманган билан Фарғона вилояти оралиғидаги масофани 18 километрга яқинлаштирадиган кўприк қурилишида ишлар ҳар қачонгидан қизғин. Ўтган йил якуни бўйича бу ерда 1,3 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

— Иншоотда 13 та таянч устунлар бўлади, шундан 5 таси дарё ўзанида қурилади, — дейди **республика кўприк қурилиш трестининг 13-кўприк қурилиш отряди иш юритувчиси Камолиддин Мирзаахмедов.** — Ҳозир учта таянч устун тайёр, иккитасида пайвандлаш ишлари бораяпти. Нуриддин Мирзаев, Альдемир Ли, Тўрақул Асроев, Тоҳир Ашуралиев, Равшан Зокиров, Нодирбек Ҳидоятов каби 150 нафар тажрибали пайвандчи, монтажчи ва усталар туну кун меҳнат қилишмоқда. 20 дан ортиқ техника улар хизматида...

Лойиҳа қиймати 8 миллиард 477 миллион сўм бўлган кўприк қурилиши Мустақилликнинг 17 йиллик байрамига қадар ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Фракция йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, йиғилишда биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов сўзга чиқди.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти доирасида жиноят судлов ишларини юритишда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини татбиқ этишга доир қатор чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, жиноий жавобгарлик, жиноий жазо тизими либераллаштирилди, ярашув институти жорий қилинди, жиноятлар таснифи ўзгартирилди, ўлим жазоси бекор қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси суд амалиётида тамом бўлмаган жиноятлар учун жазоларни уларнинг ижтимоий хавфсизлик даражаси камлигини ҳисобга олган ҳолда дифференциация қилишни қонун йўли билан таъминлаш зарурати пайдо бўлганлиги сабабли ишлаб чиқилган.

Лойиҳага мувофиқ жиноят ишларини судда юритиш чоғида инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини таъминлаш мақсадида тамом бўлмаган жиноят ишлари учун жазо миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасига тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган энг кўп жазо муддати ва миқдорининг тўртдан уч қисмидан ошмаслигини белгилаб берувчи норма киритилмоқда. Шунингдек, Жиноят кодексига иштирокчиликда содир этилган жиноят ишлари учун жазо тайинлашни назарда тутувчи 58¹-моддасини киритиш таклиф этилаяпти.

Муҳокамага биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов сўзга чиқди.

Мазкур лойиҳа транспортларда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш учун, ҳаво кемалари бортида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва унинг ички жиҳозларига етказилган зарар учун маъмурий жавобгарликни кучайтиришга йўналтирилган нормаларни киритишни назарда тутади. Бу ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликнинг кучайтирилиши парвозлар хавфсизлиги, транспортларнинг мўътадил фаолияти ҳамда фуқаролар ҳаёти ва соғлигини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

☑ **ЎзХДП фаоллари**

Элда эъзоз топган инсон

Халқимизда дарахт бир жойда кўкаради, деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Ризоқул Наврўзов кундалик меҳнат, турмуш ташвишлари билан Қоракўлдаги Мурувват уйига ишга келганига ўттиз йилдан ошганини сезмабди ҳам. Қаранг, кечагина Бухоро тиббиёт билим юртини битириб, кичик тиббий ходим этиб қабул қилинган йигит бугун устоз даражасига етибди, ҳурмат-эътибор топибди. Бунга эришишнинг йўли машаққатли, шифокор деган касбнинг нони қаттиқ. Айниқса, қариялар билан ишлаш, улар раъйига қараш, қалбига йўл топиб, дардига малҳам бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Мени Мурувват уйига ишга юборишганда тўғриси, чўчигандим, — деб хотирлайди ЎзХДП аъзоси Ризоқул Наврўзов. — Чунки бу ерда умргузаронлик қилаётган беморларнинг кўпчилиги жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар. Уларни тушуниш керак. Ахир беш бармоқ баробар эмас. Бирини ака, бирини ука, дедим, ҳар доим ёнларида бўлдим...

Ўшанда «Зиёрат» ширкат хўжалигининг эски биносида жойлашган Мурувват уйининг шароити жуда ачинарли бўлганини яширишга ҳожат йўқ. Беморлар таъминоти, бинонинг аҳволи афтодаҳол бўлиб, ҳеч ким бу ерга юрак ютиб ишга келмасди. Шу зайлда йиллар ўтди. Кейинчалик, аниқроғи, истиқлол йилларида Мурувват уйи учун махсус бино ажратилди. Бугун бу ер хушманзара, обод масканга айланган. Ҳаммаёқ дарахтзор, гулу гулзор. Бунда ўндан зиёд Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари қатори Ризоқул аканинг ҳам ҳиссаси бор.

— Ризоқул ака жуда меҳнаткаш, — дейди Мурувват уйи директорининг ўринбосари, партиямиз хайрихоҳи Янгибой Шоимов. — Ҳамма ишда ёшларга ўрнак. Барча юмушга улгуришига ҳавасим келади.

Биз мазкур жамоада бўлган кун ҳақиқий байрам устидан чиқдик. Президентимиз Фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланган Ризоқул Наврўзов шарафланди. Ҳамманинг қўлида гул, юзида табассум.

— Биласизларми, — дея сўз олди Тўймурод Чориев, — шифокорликнинг сир-асрорини илк бор устозим Ризоқул акадан ўрганганман. Беморлар билан қандай муомалада бўлишни ҳам шу кишидан билиб олганим боис кам бўлганим йўқ.

ЎзХДП туман кенгаши раиси Файзулла Бебутов сафдоши ҳақида шундай деди:

— Собиқ тузум даврида Мурувват уйи ходимларининг меҳнатини эътироф этиш ҳақида умуман гап-сўз бўлмасди. Ҳуррият бахш этган бахтга қарангки, бу йил бизнинг туманимиздан икки сафдошимиз меҳнати юксак қадрланиб, уларга «Шуҳрат» медали берилди. Демак, меҳнат қилган — элда азиз бўлар экан. У киши ҳам шифокор, ҳам партиямизнинг фаол аъзоси, моҳир тарғиботчи. Ёшларни партия сафига қабул қилишга тайёрлашда бизга кўмакчи. Шу боис сафларимиз янада мустаҳкамланмоқда.

Жамоада юздан зиёд ходим меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти Ризоқул акани устоз деб билади. Касаба уюшмаси раиси Сабоҳат Қурбонованинг таъкидлашларича, қаҳрамонимиз ўз касбининг фидойиси, жонкуяр ва тиниб-тинчимас инсон.

— Тақдир тақозоси билан ўн йилдан буён ҳаётим шу маскан билан узвий боғлиқ, — дейди ўзини Ато Абдуллаев деб таништирган бемор. — Ризоқул ака сиқилган кезларимда у менга далда бўлади. Жуда ширинсўз, меҳрибон. Беморларнинг кўнглига йўл топиш учун ҳеч нарсани аямайди.

Ризоқул акани суҳбатга тортганимизда у тўлқинланиб кетди.

— Мустақиллигимизнинг 16-йилида асрларга татигулик ишлар қилинди. Оз фурсатда юртимиз обод бўлди, одамларнинг онги, дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарди, янгиланди. Биргина туманимизда Истиқлол туфайли қанча бунёдкорлик ишлари бўлди. Саноат, тиббиёт касб-ҳунар коллежлари қурилди, қўшма корхоналар вужудга келди. Буларнинг бари Истиқлол берган неъматлардир. Шуларни ўйласам, юртим, касбим, ҳозирги ёшлар билан фахрланаман. Партиянинг фаол аъзоси сифатида бу ишларнинг қайноқ бағрида бўлишга, мустақилликни мустаҳкамлашга кўпроқ ҳисса қўшишга интиламан.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

☑ **14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Юртимиз баҳодирлари

Баҳодиржон Балиқчининг Хўжаобод қишлоғидаги хонадонига ҳарбий хизматдан қайтган кунлари ўз мақсадини ота-онасига очиқ-ойдин айтди:

— Шартнома асосида хизматни давом эттирмоқчиман. Фурсати билан кичик командирлар курсида ўқийман...

Кенжасининг ҳарбий бўлмоқчилигини Алижон ака билан Мунаввархон ая тўғри тушунишди.

— Юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осуда ҳаётини ҳимоя қилиш катта бахт. Яхши ўйлабсан ўғлим, — дейишди улар.

Кўп ўтмай Баҳодиржон Ғоппоров орзусига етди. Сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга кириб, дўстлар орттирди. Ҳозир у кичик сержант Насрулло Муродов билан бирга хизмат қилаяпти. Баҳодиржон ҳарбий хизматда кўпларга намуна бўлмоқда. Яқинда у «Энг илғор мутахассис» республика танловининг «Энг илғор сержант» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Бу хушхабарни эшитиб ота-онасининг қувонганини айтмайсизми. Командирлар билан бир қаторда кўрик-танлов ҳайъати аъзолари ҳам Баҳодиржоннинг билими, жасурлиги ва чаққонлигига қойил қолишди.

— Кичик командир Баҳодиржон Ғоппоров малакали мутахассис сифатида жамоада катта ҳурматга сазовор, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Тўлқинжон Нишонов. — Улар Ватан ҳимоячилари кунини ҳам муносиб кутиб олишяпти.

Баҳодиржоннинг орзуси — ҳарбий хизматни сидқидилдан адо этиб, аскарларга ибратли устоз бўлиш.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Суратда: кичик сержант Баҳодиржон Ғоппоров (ўнгда) хизматдош дўсти Насрулло Муродов билан.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

☑ **Қарор ва ижро**

Барчага бирдек фойдали

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарор (2005 йил, 15 июнь) қабул қилингандан буён мамлакатимизда солиқ тўловчи юридик шахслардан молия ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш дастурий мажмуаси яратилиб, бу йўналишда қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш дастурий маҳсулининг дастлабки босқичи 2006 йилнинг февраль ойида туманимиз солиқ инспекциясида синовдан ўтказилди. Бугунга келиб унда белгиланган вазифалар тўла ишга туширилди.

Биргина мисол: инспекциямиз томонидан 4616 корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, айни пайтда уларнинг 3809 таси солиқ тўлаш мажбуриятига эга. Жумладан, ўтган йилда 2389 корхона электрон имзо олган жамоалардан бўлиб чиқди. Яъни бу йўналишда солиқ идораларига келиб-кетишлар камайиб, ишлаб чиқилган тадбирлар туфайли солиқларни ҳисоблашда катта қулайликлар яратилди. Пировардида, солиқларни ундиришнинг солиқчилар учун ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳам фойдали замини пайдо бўлди.

Шаҳноза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат солиқ инспекцияси масъул ходими.

☑ **Қонун — барчага баробар**

Қалбаки гувоҳнома, сохта ҳужжат, кирим қилинмаган пуллар...

Тадбиркорлар учун яратилган шароит ва имтиёзлар кўпчиликка маълум. Белгиланган тартибга амал қилиб, ҳалол ишлаб даромад топаётганлар оз эмас. Афсуски, эгри йўллар билан тезда бойиб кетиш илинжида қонун-қоидани бузиб, оқибатда ўз бошига ташвиш орттираётганлар ҳам учраб турибди.

«Қувасой Шаҳзода файзи» хусусий корхонаси раҳбарлари улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун «бор ҳунарлари»ни ишга солишган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Гап шундаки, улар хусусий корхона устав фондини шакллантириш учун ҳужжатни қалбакилаштириш, яъни банкка 5000 сўм тўлаб, квитанциядаги сўз билан ёзилган «Беш минг сўм» ёзувини «Ўн беш миллион сўм»га, рақам билан ёзилган «5000 сўм»ни «15 000 000 сўм»га ўзгартиришган. Қарабсизки, хусусий корхона низом фондини шакллантириш учун 15 000 000 сўм нақд пул тўланганлигини «тасдиқловчи» маълумот тайёр. Ана шу қалбаки ҳужжат билан улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритишди.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги савдо департаменти бўлим бошлиғи Н.Мирзакаримов хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган. Негаки, масъул шахс улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни беришдан олдин «Қувасой Шаҳзода файзи» хусусий корхонаси раҳбарлари томонидан тақдим қилинган сохта ҳужжатнинг қонунийлигини текширмаган. Корхонанинг собиқ раҳбари Л.Нажимов лицензияни қўлга киритганидан хурсанд бўлиб кетаверган. Энди «бемалол» фаолият юритса бўлади.

Шундай ҳам бўлди. Корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, маиший техника ва уй-рўзғор буюмлари учун кирим қилинган 913589,9 минг сўм маблағнинг 549522,8 минг сўмини чиқим қилишди. Савдодан тушган 363167,1 минг сўм пулни банкка топширишни «унутишди». Лекин бу узоққа бормади. Қонунбузарлар қўлга тушиб, жавобгар бўлишди, эл-юрт олдида бошлари эгилиб қолди...

Мана бу «ҳангома» ҳам қизиқ. Олтиариқ туманида яшовчи Убайдулло Бойузоқов, бувайдалик Элдор Фозилов, қўқонлик Эркинжон Абдуназаров ҳамда Рашид Ғофуровлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳужжатларни қалбакилаштириш билан шуғуллана бошлашади. Улар фуқаро Н.Ибрагимовдан 560 000 сўм олиб, эвазига Қирғизистон Республикасида рўйхатдан ўтган «Тико» автомашинасини қонунга хилоф равишда Ўзбекистонга олиб кириш учун қалбаки ҳужжат тайёрлашади. Бунинг устига «Тико»га бошқа автомашинага тегишли давлат рақамини тақиб қўйишади.

Олтиариқлик Аҳмаджон Холиқов Қирғизистон Республикасидан ноқонуний йўл билан енгил автомашина олиб келган. Устамонлик қилиб, 400 000 сўм эвазига Элдор Фозилов, Эркинжон Абдуназаров ва Рашид Ғофуровлар босмахонада тайёрланган қалбаки транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси билан машинани бошқариб юраверган.

Дилшод Аҳмедов ҳам Олтиариқдан. У ҳам четдан ноқонуний олиб келинган «ВАЗ-2105» енгил автомашинага 400 АҚШ доллари эвазига қалбаки автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини «сотиб» олган. Бошқаларни лақмароқ, ўзини «ақлли» ҳисоблаб, бегона автомашинага тегишли давлат рақами билан машинани бошқариб келган.

Гуруҳ аъзолари Қирғизистон Республикасидан ноқонуний йўллар билан олиб келинган автомашиналар учун қалбаки автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, ишончнома, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлар тайёрлаб беришган. «Хизмат» ҳақи ҳам шунга яраша бўлган.

Булар-ку қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш билан «тадбиркор»лик қилиб келишган. Эркинжон Абдуназаров билан Рашид Ғофуровлар эса компьютер ҳамда рангли принтер ёрдамида ҳар бири «1000» сўмлик купюрадаги жами 1.010.000 сўм миқдоридаги қалбаки сўмни тайёрлаб муомалага киритишганлиги аниқланди. Текшириш жараёнида қалбаки ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган компьютер, монитор, рангли принтер, дисклар, фото қоғозлар ашёвий далил сифатида олинди. Шунингдек, «босмахона»да 14 та қалбаки автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, 4 та ҳайдовчилик гувоҳномаси, 6 та ишончнома «мижоз»ларга тайёрлаб қўйилган экан.

Савдо-сотиқнинг тартиб-қоидаси бор. Ҳукуматимиз томонидан савдо тизимида тартиб ўрнатишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Айниқса, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, бу масала фуқароларимиз соғлиги, ёшлар тарбияси билан боғлиқ. Лекин шунга қарамай енгил-елпи йўллар билан пул топишга муккасидан кетганлар инсофу диёнатни ҳам унутишар экан.

Фарғона шаҳар Қ.Раҳимов кўчасида жойлашган дўкон сотувчиси Нўъмонжон Бегмуродов ҳеч қандай кирим ҳужжатларисиз ва махсус рухсатномасиз 36 турдаги 419 дона спиртли ичимликни сотаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди. Спиртли ичимликлар мутахассислар томонидан текшириб кўрилганда унинг 77 донаси истеъмолга яроқсиз бўлиб чиқди. Мазкур ҳолат бўйича Нўъмонжон Бегмуродовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Қўқон шаҳридаги «Platner Plast» масъулияти чекланган жамият раҳбари Д.Ирматов ҳам тадбиркорликни ниқоб қилиб, нопок ишга қўл урган. Жамият раҳбари қисқа муддатда турли хўжалик юритувчи субъектлардан 150 000 000 сўмлик шакарни пул ўтказиш йўли билан сотиб олиб, ушбу маҳсулотни нақд пулга сотган. Савдодан тушган 150 000 000 сўм банкка топширилмасдан бошқа мақсадларга сарфлаб юборилган. Қўқонлик яна бир «тадбиркор» фаолиятига чек қўйилди. Гап шундаки, «Аҳмад ягона файз» масъулияти чекланган жамият раҳбари О.Аҳмедов низомда кўрсатилган фаолият билан шуғулланмасдан, товарсиз «операция»лар ўтказган. Яъни пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланган. 1051494,6 минг сўм дибет ва 1067624,0 минг сўмлик кредит айланмаларини амалга оширган жамият раҳбари энди афсус чекиб ўтирибди.

Фурқат туманида фаолият кўрсатиб келаётган «Хуршидбек Маҳмудов» хусусий корхонасида ҳам қонун бузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. Корхона раҳбари Ў.Маҳмудов «МТС» ва «Билайн» тўлов карталарининг ҳар биридан 200 сўмдан ортиқча пул олган. 8993,2 минг сўм нақд пулни назорат касса машинасига кирим қилмаган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Қўлга тушиб, қилмиши фош бўлганлар энди тавба-тазаррода. Ўзлари ҳам, оила аъзолари ҳам ташвишда. Иккинчи томонда қонунсиз топилган мулклари, маблағлари мусодара этилган. Кўни-қўшни, қариндош-уруғ олдида юзлари қора бўлгани-чи?.. Булар қилмишларига яраша жазоларини олиб ўтиришибди. Бошқалар эса бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Дилмуроджон ТЎХТАШЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Фарғона вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори.
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

1 2 3

Иқтисодиёт ва ислоҳот

...Суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстириш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўғаноқ бўлмоқда. Мелиорация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини, шунингдек, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда, комплекс ёндашилмаётганлиги, сув хўжалик тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг суст ишлаши кейинги йилларда мелиорация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувлари даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишига олиб келди.

(Республика Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан)

Мелиорация:

Янги босқич бошланяпти

Нафақат бир туман, балки бутун воҳа деҳқончилигининг тақдири ана шу жараёнга боғлиқдир

Кеча, бугун ва эрта...

Кексаларнинг бу даштларга қиш ўзини билдирмай етиб келади, дейишгани рост экан. Ноябрнинг охирги кунларида қўшни Туркманистон саҳроларидан кўтарилган ғубор осмонни қоплаб олди. Кучли шамол келтирган чанг инсоннинг нафас йўлларини тўлдирар, уст-бошимиз унга беланган қопларга ўхшаб қолганди-ёв. Икки-уч кундан кейин ёмғир ёға бошлади. Дашт изғирини келтирган қора совуқ этни жунжиктирарди. Чўлни кезиб, ҳақиқий аҳволни ўз кўзимиз билан кўришга Нишон тумани ҳокими Орифжон Тўхтамишев ундаганди. У қатъият билан шундай деди:

— Идорага бориб, маълумотларни олсангиз, шароит ва қилинаётган ишларни тасаввур қила оласизми? Рақамларни келтирсам, нима ўзгаради-ю, нималар қолиб кетади? Яхшиси, мутахассисларимиз ҳамроҳ бўлишсин, даштни айланинг, чўлқуварлар билан учрашинг. Кузги ғаллани бир амаллаб сувдан чиқариб олдик. Ҳозир зовурларни тозалашга киришиб кетганмиз...

Биз етиб келган далалар собиқ «Самарқанд» ширкат хўжалигига қарашли экан, ҳозир эса тўла фермерлар қўлида. Анча узоқдан улкан зовур четидаги туя ўркачидек тупроқ уюмлари, чўмичи билан лой-тупроқ чиқариб тўкаётган экскаватор кўзга ташланади.

— Қумлоқ ерларни тез-тез суғориш керак бўлади, — изоҳ беради ҳамроҳим — «Қишлоққўжаликкимё» вилоят бошқармасининг Нишон туман бўлими мудири Фахриддин Жўраев. — Ширкатлар ўрнига фермер хўжаликлари тузилгач, 15 та ўғит тарқатиш шохобчасини барпо этдик. Очиғини айтсам, тупроқ унумдорлиги бошқа жойларга нисбатан пастлиги учун ғалла майдонларига шудгор олдидан 112 килограммдан, пахта майдонларига 214 килограммдан фосфорли ўғит солиб ҳайдадик. Масалан, 19 минг гектар майдондаги ғалла шу тарзда экилди. Экиннинг талаби, ер хусусиятига қараб, ҳар гектар ерга ўртача 28-29 килограммдан калийли ўғит ҳам берилаяпти.

Фахриддиннинг мулоҳазалари тўғри эди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб боргани сари мўлжалдаги ҳосилни олиш учун ўғитга бўлган талаб ошиб бораверади. Булар вақтинчалик чоралардир. Шунинг учун ҳам коллектор ва зовурларни қазиш, сизот сувларини чиқариб юбориш ҳамда бу орқали тупроқнинг минераллашув даражасини пасайтиришга эришилмоқда. Ана шундай зовурни қазиётган экскаваторчилар ҳузурига келдик. Дала четига вагонча келтирилган. Юзлари чўл совуғида сал қизарган экскаваторчи Владимир Игоревич Медведев билан танишдик.

— Етмишинчи йилдан буён чўлдаман, — дейди Владимир Медведев. — Аввал бульдозерчи эдим, кейин экскаваторга ўтдим. Мана шу ерларни ўзлаштиришда иштирок этганман. Ўша пайтларда чўлга сув келмаган, чанг-тўзондан нафас олиб бўлмасди. Биласизми, ер кавлангандан кейин умуман тозаланмай қолган коллектор, зовурлар бор. Бу аҳволда тупроқ шўрланиб кетади-да!

Тарихий хотирасиз келажак йўқ, дейдилар. Бир пайтлар нафақат Нишондагина эмас, «Яккабоғ», «Китоб», Муборакдаги «Шаҳрисабз» массивларида ҳам ирригация ва мелиорация иншоотлари яратилмасдан, пахта экиб юборилди. Оқибати эса аянчли бўлди. Масалан, Нишон туманида узоқ йиллар мобайнида мўлжалдаги пахтани етиштиришнинг иложи бўлмай қолди. Узоққа бормайлик. Агар ҳар йили 21,5 минг гектар майдонда пахта етиштирилган бўлса, 2001-2003 йиллар оралиғида ҳосилдорлик 17-19 центнер атрофида қолиб кетди. 2004-2005 йилларда эса кескин — 24-25 центнерга кўтарилди. Туман режаларини уддалай бошлади. 2007 йилда ҳам 48529 тонна пахта сотилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди.

— Кейинги тўрт йилдаги муваффақиятлар мелиорацияга катта эътибор берилаётгани туфайли, — дейди яна бир ҳамроҳимиз — туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлими бошлиғининг иқтисод бўйича ўринбосари Суюн Ганиев. — Натижа ёмон бўлмаяпти. Якунланган 2007 йилда 11 миллиард сўмга яқин соф фойда олинди.

Вақт кутиб турмайди

Яна бир ҳамроҳимиз — туман сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг раиси Юсуф Тоштемиров даштт хусусиятини узоқ йиллик тажрибаси асосида яхши англаган инсон экан. Қаерга бормайлик, қайси далани кўздан кечирмайлик, ўзининг жўяли фикрларини баён этарди.

— Туманимиз ҳудуди 211 минг гектардан ошиқ, — дейди Юсуф ака. — Шундан 102 минг 424 гектари яйловлардир. Жами 50824 гектар суғориладиган ер мавжуд. Шундан 1904 гектари боғлар. Ўрмон учун 913 гектар ер ажратилган. Зовур ва лотоклар эгаллаган ерлар 19 минг гектардан ошади. Беда экилган майдонлар 1000 гектарга етар-етмас. Асосий майдонларда ғалла ва пахта етиштирилмоқда. Ҳар йили ўртача 22 минг гектар ерга пахта, 19 минг гектар ерга ғалла экиб келяпмиз. Бу ерлардан ўттиз йилдан ошиқ вақт фойдаланиб келинаяпти, аммо мелиорацияга узоқ муддат етарли эътибор берилмади. Биринчи навбатда коллектор ва зовурлар муаммоси. Масалан, «Жанубий» коллекторнинг эни 30 метр, Нишон, Қарши, Касби туманларидан сизот сувларини чиқариб ташлайди. Бундан ташқари 232 километр хўжаликлараро ва 531 километр ички зовурлар мавжуд. Ана шу ички зовурларнинг 398 километри қониқарсиз аҳволда. Ахир, 15 минг гектардан ошиқ майдонларнинг ҳолати ана шу зовурларга боғлиқ-да.

Юсуф ака ҳақиқий аҳволни оширмай тасвирлаб берди. Оқибатда 2833 гектар ер «мелиоратив нобоп»га айланган. 8600 гектар ер ўртача, 2 минг гектар ер кучли шўрланган. Ҳокимнинг ташаббуси билан 232 километр масофадаги жойни эгаллаган зовурни қазиш бошланиб кетган эди, ҳозиргача 224 километри қазиб бўлинибди. Жами 63 тагача экскаватор ишламоқда. Бу ишда «Эскиангарқурилиш», «Зовурқурилиш» каби бир нечта ташкилотлар иштирок этишмоқда.

— Бу даштларда мелиорация тизими анча мураккаб, — фикрини давом эттиради Юсуф Тоштемиров. — Масалан, туман ерларида 2076 километр ёпиқ дренаж барпо этилиб, 21 минг гектарга яқин ернинг ҳолатини яхшилаб туришга хизмат қилиши керак эди. Бугунга келиб, 1025 километр масофадаги дренаж мутлақо ишламайди. Шундан 125 километрини бутунлай қайтадан янгилаш, 898 километрини эса ювиш лозим. Ҳа, дарвоқе, бу ишга энди фермерларимиз ҳам киришаяпти, шуларни кўрсак...

Биз етиб келган далалар ўтган йили 45 гектар ғалла ва 35 гектар пахта майдонларидан юқори ҳосил олиб, режаларини адо этган.Тўлабой Холлиёров бошлиқ, фермер хўжалигига тегишли экан.

— Ўзим асли механизация бўйича муҳандисман, — дейди Тўлабой Холлиёров. — 2002 йилда фермер хўжалигимиз ташкил этилди. Очиғи, ер майдонларининг аҳволи яхши эмас. Аммо ер ўзимизники, қараб туриб бўлмайди. Зовурларни қаздирдик. Энг ёмони, вертикал дренаж қувурлари сувни тортмай қолгани эди. Олган фойдамиз ҳисобидан уларни тозалаб чиқдик. Ана кўринг, ишлаяпти.

Ер тақдири — эл тақдири

Чўлни қанчалик айланиб, туман деҳқончилиги, ерларнинг ҳақиқий аҳволи билан яқиндан танишар эканмиз, ҳокимнинг «фермерчиликка ўтганимиздан кейингина аҳвол яхши томонга ўзгараяпти» дегани рост экан. Бошқа жойнинг шароити ўзгача. Бироқ туманда Эски Нишон қишлоғини ҳисобга олмаганда, айни пайтда туман аҳолиси 117 минг кишига яқин. Бу ерлар уларнинг нон-насибаси, келажак орзуларининг асосий таянчи. Туманда 2432 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Фермерлар ҳозиргача 25 та янги комбайн сотиб олишган. Ана шулардан бири Ўрол Болтаевни излаб, собиқ «Пахтаобод» ширкатига келдик. Ўрол ака хўжаликларда ишлаган яхши агроном ва деҳқон экан. Жами 80 гектар ер олиб, фойда олиб ишлаётган фермер. «Пахтабанк» орқали лизинг эвазига 104 миллион сўмга «Доминатор» комбайни сотиб олибди.

— Юртбошимизнинг мелиорация ҳақидаги фармонлари ўз вақтида қабул қилинди, — дейди Ўрол Болтаев. — Воҳанинг жанубида жойлашган туманимизда тупроқ тез шўрланади. Бунинг олдини олиш учун мелиорация ва ирригация иншоотлари ҳеч тўхтамай ишлаб туриши керак. Бундан ташқари етти туманга суви бораётган «Қарши» магистрал каналининг ҳудудимиздаги 5-6 километри бетонлаштирилмай қолган, натижада ерларимизда шўр кўтарилиши тезлашаяпти. Хўп, ҳамма ишни қилдик, дейлик. Аммо Аму сувини далаларимизга олиб келаётган лоток-ариқларни қачон янгилаймиз? Ҳолбуки, улар ҳар 10 йилда алмаштирилиши керак. Биздагиларга эса 25 йилдан ошди. Булар битта туманнинг муммоси эмас. Биласизми, Ҳаким бобо билан учрашинглар, у киши донишманд деҳқон.

Ҳаким бобо Усмоновнинг номи вилоятда машҳур. Моҳир деҳқон ўғит солмай 70 килодан ошиқ тош босган қовун етиштирган эди. «Оқ кадан», «қора кадан» навли тарвуз ва қанча қовунларни яратган халқ селекционери. Ўзининг фермер хўжалиги бор, кичик ўғли билан бирга ишлаяпти. Кўп уқубатли кунларни кўрган, ёши саксонга яқинлашган бобо бизни уйида қарши олди.

— Аввало, бу ерларнинг тақдири — элнинг тақдири билан боғлиқ. Шу боис Мустақиллик йилларида бу чўллардаги ерларни сақлаб қолиш учун қанчадан-қанча маблағлар ажратилди. Йўқса, туз босиб кетарди, — дейди Ҳаким бобо.

— Юртбошимиз вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашувда мамлакат, шу жумладан, воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ режаларини баён этиб бердилар. Айниқса, қишлоқлар ободончилиги, сув иншоотларини янгилаш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, чўл туманларига ичимлик суви берадиган янги иншоот қуриларкан. Уч йил ичида Қарши насос станциялари каскадини тиклаш ишларига 36,6 миллиард сўм маблағ сарфланаркан.

Шу тарзда айрим маълумотлар тўпланди ва фикр, таклифлар туғилди. Масалан, Республика қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари 1996 йилда тайёрлаган хулосада Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 495 минг гектар суғориладиган ернинг 44 фоизи шўрлангани, жумладан, 12 фоизи ўрта ва кучли шўрлангани кўрсатилган эди. Бундан ташқари мавжуд 423 та тик дренаж қудуқларининг 32 фоизи ишламаётгани ҳам қайд этилган эди. Аммо кейинги йилларда ҳукуматимизнинг жиддий эътибори туфайли аҳволни яхшилашга катта маблағлар ажратилди. Муҳим иншоот — «Сечанкўл» коллекторининг иккинчи навбати қазиб-тозаланди. Муборак, Косон, Қарши, Касби ва бошқа туманларда зовурларни тозалашга катта эътибор берилмоқда. Нишон тумани тажрибасини ўрганар эканмиз, мутахассислар қуйидаги таклифларни ўртага қўйишди:

Биринчи таклиф: Қарши дашти туманларида йирик коллекторлар бир-бирига боғлиқ экан, қайсиларини олдин таъмирлашни ажратиб олиш, пухта лойиҳалар тузиш лозим. **Иккинчи таклиф:** Сув келтираётган лоток ариқларни таъмирлаш ва янгилаш пайти келган. **Учинчи таклиф:** Воҳада зовур қазийдиган, экскаваторлари бор ташкилотлар бир нечта. Молиялаштирилаётганда уларнинг муносибларини танлаб олиш лозим. Эҳтимол мелиорация билан шуғулланадиган ягона ташкилот тузиш керакдир. **Тўртинчи таклиф:** Ҳозир асосан пахта ва ғалла алмашлаб экиш жорий этилмоқда. Аммо тупроқ унумдорлигини оширишда беданинг аҳамияти катталигини ҳисобга олиб, янги беда майдонларини кўпайтириш заруряти туғилмоқда.

Мен Нишон, Касби, Муборак, Қарши, Косон туманларидаги ҳақиқий аҳволни ўрганар эканман, амалий ишлар аллақачон бошланиб кетганига амин бўлдим. Эндиликда ҳукуматимиз мелиорация борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш вазифасини қўяётган экан, катта ишлар олдинда турибди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Косовода янги парламент, янги ҳукумат



Косовонинг янги бош вазири Хашим Тачи Японияннинг «Асахи» газетасида чоп этилган интервьюсига кўра, ўлканинг Сербиядан мустақиллиги бир томонлама тартибда февраль ойининг биринчи ярмида эълон қилинади, деб ҳисобламоқда.

Кеча, 9 январь куни мамлакат парламенти унинг бошчилигида янги ҳукумат таркибини тасдиқлади. Депутатлар Косовонинг амалдаги президенти Фатмир Сейди ваколатини ҳам беш йил муддатга чўзди ва парламент спикерини сайлашди.

Мамлакат етакчилари янги парламент ва ҳукумат шаклланиши жараёнини Мустақилликнинг эълон қилинишига муқаддима, деб таърифлашаяпти.

Ўғирланган суратлар топилди

Бразилия полицияси Сан-Паулудаги санъат Музейидан ўғирланган Пабло Пикассо ва Кандидо Портинари мўйқаламларига мансуб суратларни топди. Сешанба куни ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ўғирликда гумон қилинаётган икки шахс қўлга олинганини эълон қилган деб хабар беради АР.

Уч нафар ўғри 20 декабр эрталаб музейга соқчилар алмашган пайт киришга муваффақ бўлишган. Пикассонинг 50 миллион долларга тенг «Сюзанна Блохнинг портрети» ва Портинарининг тахминан 5-6 миллион долларлик «Кофе йиғувчилар» суратларини ўғирлаган жиноятчилар атайин шу икки сурат учун келганлиги кузатув камералари ёрдамида маълум бўлган, чунки суратлар бошқа-бошқа залларда жойлашган эди.



Маълум бўлишича, Бразилиядаги энг йирик мазкур музей биносида автоматлашган сигнал воситалари ўрнатилмаган ва саккиз мингта экспонатдан бирортаси ҳам суғурта қилинмаган экан.



«Олтин глобус» кино мукофоти топшириш маросими кечиктирилди

Нуфузли «Олтин глобус» киномукофоти топширилишининг 65-маросими ўз тарихида биринчи марта кечиктирилди ва у оддийгина матбуот анжумани тарзида ўтадиган бўлди, сабаби — америкалик кино сценариялар муаллифлари ташкил этган иш ташлашдир, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.

Гап шундаки, мазкур мукофот номинациясида иштирок этиши кутилган кўпчилик актёрлар АҚШ киноактёрлари Гильдияси томонидан уюштирилган пикет туфайли маросимга келишолмади. Гильдия раиси Алан Розенбергнинг ўтган ҳафта айтган гапларига қараганда, «биронта ҳам номинант мукофот олиш учун пикетни ёриб ўтиб, залга киролмайди».

Голливуд сценаристларининг иш ташлаши ўтган йил 5 ноябрда бошланган эди. Чунки Гилдия кино сценария муаллифларининг вакиллари бир неча ой давомида киностудия билан меҳнат ҳақи масаласида келишолмаяптилар.

Хитой орбитага учинчи космик экспедиция чиқаради

2008 йилнинг октябрида Хитой учинчи бор фазога бошқариладиган космик кема учиради. Ундаги хитойлик космонавт ҳам биринчи марта очиқ фазога чиқади. Бу ҳақда Хитой Фазо, технология ва миллий хавфсизлик комиссияси йиллик дастурида маълум қилинган, деб хабар беради Reuters.



«Шэньчжоу VII» бошқариладиган космик кемада уч нафар космонавт учиши кутилмоқда. Улардан икки нафарининг очиқ фазога чиқиши ҳақида тафсилотлар йўқ.

Мамлакатда 2008 йил фазога 14 та ракета ва 27 та йўлдош кемалар учирилиши режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, Хитой собиқ СССР ва АҚШдан кейин самога фазогирлар учирган учинчи мамлакат бўлади.

Пора эвазига қамоқдан озод этилди

Афғонистоннинг Гельманд вилоятида «Толибон» жангарилари операциялари етакчиси Нахиб қамоқхонадан 15 минг доллар пора эвазига чиққанлигини айтди деб хабар беради BBC News.

«Қизил мулла» лақабли Нахиб Аҳмад Буюк Британия махсус хизмати маълумотларига кўра, Гельманддаги британиялик ҳарбийларга ҳужум қилишга шахсан кўрсатма берган. 2007 йил ўрталарида у қўлга олиниб, Афғонистон турмаларидан бирига жойлаштирилган, бироқ, пора бериб озодликка чиққан. «Мени 24 июль куни ушлашди, — деган Нахиб Аҳмад BBC Newsга берган интервьюсида, — Қабулдаги Миллий хавфсизлик бошқармаси турмасига жўнатишди. У ерда мен беш ой бўлдим...

— Афғонистон қонунлари, — қўшимча қилган у, — шубҳа қилинган шахсларни икки ойдан кам бўлмаган муддатда ушлаб туришга рухсат беради, шундан сўнг масалани суд ҳал қилади. 4 январь куни ортимдан келган одам қамоқхона қўриқчисига 15 минг доллар берди, қўриқчи эса мени озод қилди»...

«Қизил мулла» сўнгги уч йилда уч марта қамалиб ва ҳар гал пора эвазига чиқиб кетган. Ўз навбатида Афғонистон ҳукумати вакиллари эса «Қизил мулла» маълумотларини қатъиян рад этади, деб ёзади РИА Новости.

«Бизда исми-шарифи Нахид Аҳмад деган маҳбус йўқ ва умуман бўлмаган» — деб таъкидлади мамлакат Миллий хавфсизлик Бошқармасининг матбуот хизмати раҳбари.

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

«Браво» хорижда ҳам тан олинмоқда

2000 йил кузида кредит эвазига «Навоийдонинвест» пиво ишлаб чиқариш кичик корхонасини ташкил этган Убайдулла Омонов атиги 7 йил ичида дунё андазаси даражасида маҳсулот яратишга муваффақ бўлди. Бавариядаги машҳур «Бераплан ГМБХ» фирмаси ҳамкорлигида вужудга келган корхона йилига ўртача 30 минг геколитрлик қувватда ишлаб турибди. Ташкилий-таркибий даврида 10 нафар маҳаллий ёшлар билан иш бошлаган жамоада айни кезда 40 дан ошиқ уддабурон пиво пиширувчи ва қадоқловчилар фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг айтарли ҳаммаси Германияда таҳсил олиб, тажриба орттириб қайтишган.

«Навоийдонинвест» қисқа вақт ичида дунё андазаси даражасидаги сертификатга эга бўлиб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Дастлаб «Браво-1», «Браво-2» русумли сифатли пиволар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда уларнинг тури 10 дан ошиб кетди. Қолаверса, биргина арпадан эмас, балки буғдойли «Браво-9», «Золотая Корона» («Олтин тож») тамғали нозиктаъб пиволар ҳам ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Энг муҳими, улар халқаро кўрик танловларда ўнлаб олтин, кумуш медаллари ва биринчи даражали дипломларга сазовор бўлди. 2002 йилда Белоруссиянинг Минск шаҳрида бўлиб ўтган 9-халқаро кўргазма ярмаркасидан 2 та олтин медаль, 2003 йилда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида «Олтин тож» совринларини олди. 2004 йил Сочи (Россия)да яна 2 олтин, 1 кумуш медаллари, 2006 йилда Парижда эса халқаро сифат-сертификат конвенциясидан «Платина гранти» ҳамда 1-даражали сертификат дипломларини қўлга киритди. Яқинда яна бир хушхабар келди: Навоий пиво заводининг буғдойли «Браво»лари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада мутлақ ғолиб деб топилди ва яна бир олтин медаль ҳамда 1-даражали диплом билан тақдирланди.

— Мақсадимиз, — дейди корхона раҳбари У.Омонов, — экспортбоп, маҳсулот сифатини бундан-да яхшилаш ва мамлакатимиз хазинасига кўпроқ валюта келишига ҳисса қўшиш...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бухоронинг харидоргир гиламлари

«Бухоро гилами» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида дастлаб ўн хилдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозир уларнинг сони олтмиштага етди.

Корхонанинг таъминот бўлими бошлиғи Муҳиддин Олтиевнинг таъкидлашича, ипак, айниқса, жундан тайёрланган рангдор гиламларни нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам катта қизиқиш билан харид қилмоқда.

Корхонага замонавий ускуналар ўрнатилгани маҳсулот сифати ва ҳажмининг ортишига хизмат қилаётир. Уч юздан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонада 2007 йили қарийб 400 минг квадрат метр гилам маҳсулотлари тайёрланди. 2008 йилда эса корхона ўз мижозлари билан қарийб 800 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Таҳририятимиз меҳмони

Оксана Чусовитина:

«Ўзимни Ўзбекистондан қарздор деб биламан»

Спорт гимнастикаси бўйича 1992 йилги Барселона олимпиадаси чемпиони, бир неча жаҳон чемпионати ва Осиё ўйинлари олтин медаллари совриндори, Жаҳон кубоги соҳибаси Оксана Чусовитина номи дунёга машҳур. Қаторасига тўртта ёзги Олимпия ўйинлари, бир неча Осиё ўйинларида иштирок этган моҳир гимнастикачимиз ўз иродаси ва маҳорати билан мутахассису мухлисларни ҳайратга солиб келмоқда. Айниқса, Оксана фарзанди Алишер туғилганидан сўнг ҳам спортга қайтиб, оламшумул ютуқларга эришди. Аёллар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича ҳали бирорта спортчи она бўлгач майдонга қайтмаган. Салкам ўттиз уч ёшни қаршилаётган Оксана Чусовитина эса айни чоғда Пекин олимпиадасига ҳозирлик кўрмоқда. Унинг турмуш ўртоғи — юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати, жаҳон кубоги ва халқаро турнирлар совриндори Баҳодир Қурбонов ҳозирда пойтахтимиздаги 14-сонли ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабига раҳбарлик қилади.

Хабарингиз бўлса, бундан етти йил муқаддам уларнинг ўғли Алишер оғир хасталикка чалингач, шифокорлар тавсияси билан уни Кёльн (Германия) шаҳридаги махсус клиникага олиб боришади. Ўғлининг бу ерда дарддан фориғ бўлиши узоқ вақт талаб қилишини билгач, Оксана Германияда яшашга мажбур бўлди. Шундай оғир лаҳзаларда ҳам у ўзида куч ва ирода топа олди. Спортни ташламади. Маҳоратини ошириш, мусобақаларга ҳозирлик кўриш учун, энг муҳими, бетоб фарзанди ҳақида қайғуриб, Кёльндаги маҳаллий «Турн Тим Тойота» спорт клубида машғулотларини давом эттирди.

Яқинда афсонавий спортчимиз ўғли Алишер билан Тошкентга келди. Биз ҳам имкониятдан фойдаланиб, Оксана Чусовитинани ва унинг умр йўлдоши Баҳодир Қурбоновни таҳририятимизга таклиф этдик.

— Оксана, сўнгги йиллар сиз учун қанчалик қийин кечганлигидан хабардормиз. Ҳозир ўғлингизнинг аҳволи қандай?

— Раҳмат, ҳаммаси ортда қолди. Бугун Алишер соппасоғ. Фақатгина дастлабки 7 йил ичида ҳар уч ойда анализ учун қон топшириб туриши керак. Шифокорлар унинг ҳаттоки, спорт билан шуғулланишига ҳам рухсат беришди. Ўғлим шу заҳотиёқ гимнастика тўгарагига ёзилди. Мендан сўраб ҳам ўтирмади. Айтишича, спорт гимнастикаси унга жуда ёқар экан. Бир ой олдин 1999-2000 йилларда туғилган болалар ўртасида кўпкураш мусобақалари бўйича Кёльн шаҳри чемпиони бўлди. Анчадан бери мухлислар қаторида мусобақаларни томоша қилмаган эдим. Четдан қараганда, умуман бошқача кўринар экан. Унинг мусобақа олдидан жуда ҳаяжонланганлигини кўрдим. Лекин шоҳсупанинг энг юқори поғонасида туриб, қанчалар қувонганлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Алишерни иложи борича ўзим билан олиб юришга ҳаракат қиламан. Аслида эса унинг мураббийлари бу ишимни маъқул кўришмайди. Чунки улар ўз шогирдларининг машғулотларни қолдирмасликларини қаттиқ талаб қилишади. У ҳозир 2-синфда ўқияпти. Айни чоғда эса таътилда.

— Эшитишимизга қараганда, Сиз Германия терма жамоаси таркибида Пекин олимпиадасига йўлланмани қўлга киритибсиз...

— Ҳа, шундай. Ўтган йилнинг ноябрида Штутгартда ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида таяниб сакраш бўйича Германия терма жамоаси таркибида олтин медалга сазовор бўлдим ва ўз ҳаётимда бешинчи олимпиада йўлланмасини қўлга киритдим. Айни пайтда мураббийим Жанна Полякова қўл остида шуғулланаяпман.

— Аёллар спорт гимнастикаси тарихига назар солсак, ҳали бирорта спортчи кетма-кет учта олимпиададан нарига ўтмаган. Сиз эришаётган натижаларни эса чин маънода матонат ва мўъжизага қиёсласа арзийди. Катта спорт билан хайрлашмаётганингизни қандай изоҳлайсиз?

— Мен ўз имкониятларимни яхши биламан. Шундай экан, кучим борлигида катта спорт-дан кетиб нима қиламан? Спорт гимнастикаси эса менга жуда ёқади. Яна олимпиада медалини қўлга киритмоқчиман. Ҳозир ёшлар билан тенгма-тенг баҳслашиш мақсадида снарядларда кўпроқ машғулотлар ўтказяпман. Дунёда икки-уч кишигина менинг даражамда сакрай олади.

— Айтганча, ўзингиздан икки баравар ёш спортчи қизлар билан рақобатлашаётганингизда кўнглингиздан қандай ўйлар ўтади?

— Мен уларга: «Сиз эндигина туғилганингизда мен Барселонадаги Олимпия ўйинларида шоҳсупага чиқаётган эдим», дегим келади.

— Обрўингиз билан бошқаларга босим ўтказасизми?

— Майдонда ҳамма баравар. Ҳакамлар ҳам барчага холис баҳо беришади, деб ўйлайман. Камчиликлар учун эса балл олиб ташланади. Мусобақа пайтида обрў деган нарсалар ўтмайди.

— Оксана, эртами-кеч барибир спорт билан хайрлашасиз. Шундай экан, келгуси режаларингиз ҳақида икки оғиз тўхталсангиз...

— Бунга шубҳа йўқ. Аслида спорт гимнастикаси — менинг ҳаётим. Агар гимнастикачи бўлмаганимда Алишерни даволата олмасдим. Спорт ҳаётимнинг энг оғир дамларида менга далда берди, руҳимни кўтарди, жуда кўп яхшиликлар кўрдим, ҳаётнинг талайгина шодлик ва қувончлари ҳамроҳим бўлди. Пекин олимпиадаси мен учун катта спортдаги энг сўнгги йирик мусобақа бўлиши тайин. Кейин ўзимдаги тажриба ва маҳоратни мураббийлик соҳасида синаб кўриш ниятидаман. Ҳозир Германия, АҚШ давлатлари ишга таклиф қилишмоқда. Аммо мен Тошкентда ишлашни афзал биламан. Ахир мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. Шу юртда вояга етиб, дунёга танилдим. Мен қачон ва қаерда бўлмай ўзимни Ўзбекистондан қарздор, деб биламан. Қолаверса, бу ерда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Айниқса, сўнгги йилларда болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган катта ишларни кўриб, бунга яна бир карра амин бўлдим. Ўзбекистонда жаҳон ва Олимпия чемпионларини тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар етарли. Ниятим — йиллар давомида орттирган тажрибаларимни келажакда ўзим туғилиб ўсган юрт фарзандлари билан баҳам кўриш. Яқинда Ўзбекистон аёллар терма жамоасига бош мураббийлик қилиш тўғрисида таклиф олдим, кўнглим тоғдек кўтарилди. Худо хоҳласа, Пекин олимпиадасидан сўнг, албатта Тошкентда иш бошлайман.

Эркин ХОЛБОБО,
Улуғбек ЁРМАТОВ
суҳбатлашди.

Суратда: Олимпия ва кўп карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Оксана Чусовитина турмуш ўртоғи Баҳодир Қурбонов билан.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат.


Желаю вам читателям „Узбекистан овози" и „Голос Узбекистана" всего самого хорошего, а главное будьте счастливы и здоровы!
„Удачи"
Чусовитина Оксана
Курбанов Баходир

Спорт

«Самарқанд-Динамо»:

таркиб кучаяди

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига баҳсларида «Самарқанд-Динамо» жамоаси ҳар йилгидан-да муваффақиятлироқ иштирок этди. Самарқандликлар ўтказилган ўттиз учрашувнинг 15 тасида ғалаба қозонишган бўлса, 7 ўйинда дуранг натижа қайд этилди. Қолган саккиз учрашувда рақибларнинг қўли баланд келди.

Айни пайтда жамоа аъзолари янги мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган. Ҳозирда Тачмурод Агамуродов бош мураббийлик қилаётган «Самарқанд-Динамо» футболчилари кунига икки маротаба «Олимпия захиралари маркази» стадионида машғулотларни давом эттиришмоқда.

— Ўтган мавсумда футболчиларимизнинг кучли бешликдан жой олгани мухлисларимизни беҳад хурсанд қилди, — дейди футбол клуби вице-президенти Владимир Аракелов. — Жамоамиз бу йилги мавсумда янада юқорироқ натижаларни кўзламоқда. Ҳозирда клубимиз мураббийлари бир қатор истеъдодли футболчилар билан музокаралар олиб боришаётир. Бундан ташқари, аксарият маҳаллий ёшлар, жумладан, Самарқанд Олимпия захиралари коллежи, вилоят футбол мактаби ҳамда Тойлоқ Олимпия захиралари коллежининг ўнлаб тарбияланувчилари жамоа кўригидан ўтишмоқда. Дастлабки босқич тайёргарлик машғулотлари 18 январь куни ниҳоясига етади. Сўнгра бош мураббий Тачмурод Агамуродов раҳбарлигида жамоа аъзолари ўқув-йиғин машғулотларининг навбатдаги босқичини ташкил этиш учун 19 январь куни Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетишади. Бу ерда Украинанинг «Шахтёр», «Динамо» (Киев) ҳамда Россиянинг «Зенит» жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш кўзда тутилган.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Қадрият

Дури гавҳар ўгитлар

Қўлингизда турган газетамизнинг бугунги сони 10 январь санаси билан чиқди. Шу сана туртки бўлдими, билмадик, беихтиёр ёдимизга доно донишмандларимиз ўнта-ўнтадан қилиб айтган дури гавҳар ўгитлар тушди...

Бири айтган экан:

- Яхшиликни канда қилма, у шундай бир дарахтки, доим ширин мева беради.
- Ҳар қачон яхши орзу, ният қил, дилдан саъй-ҳаракат қилсанг, орзуларинг ушалиши бешак.
- Биров сени кимдир ёмонлаганини айтса, то синаб билмагунингча у одамнинг дилини оғритма, гап етказган кимса ёлғон айтган бўлиши мумкин.
- Инсон дилини хушнуд этишни одат қил-да, ширин сўзга сахий бўл.
- Бахтли одамларга ҳасад қилма, ҳавас билан меҳнат қилсанг сен ҳам албатта бахтли бўласан.
- Нафс балоси одамни ҳар куйга солишини унутма, нафсни тийган ҳурмат иззат топишини ва беҳавотир яшашини ёдда тут.
- Улуғ одамлар ибратини ўрган, улар ҳақида ҳеч қачон иғво-бўҳтон гапларни айтма.
- Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битиради, деган нақлни дилингга жо эт, беҳуда хаёл умрни емиради.
- Рўзғор турмушингда уйдагилар билан баравар саъй-ҳаракат қил, каттаю кичикка ҳамиятли бўл.
- Сиҳат-саломатлигингга бепарво бўлма, умрни ҳушёр ва бардам ўтказишни бахт деб бил.

Яна бири деган экан:

- Тўғри ўйла, тўғри сўзла, тўғри кўр, тўғри юр, тўғри тур.
- Ишингнинг ҳамма катта ва кичик жойларини диққат билан кузатишни одат қил.
- Бу онлар ичида қилишинг мумкин бўлган ишингни дарҳол қил, кейинга қолдирма.
- Ишингга берилиб, муҳаббат билан ишла, агар янглишганингни билсанг, уни кечиктирмай тузатиш пайида бўл.
- Бурчингни ваъда қилган вақтингда адо эт, ваъдасизлик қилсанг, бурдинг кетади.
- Фойдасиз ошно-оғайниларингга боғланиб қолма.
- Ичкиликдан ҳазар қил, заҳри-қотилдан ўзингни сақла.
- Нима бўлса, пешонамга ёзилгани бўлади, деб пешонангга ишониб юрма.
- Кўпол сўзли бўлма, хушмуомалали бўл, чиройинг очилади.
- Ўз ишингда, ўз сўзингда қаттиқ тур.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Қатра

Ҳовуч — бу барака

Қишлоғимизда «Минаввар бир ҳовуч» деган отахон яшайди. Қачон қараманг, яктаги этагини белбоғига қистириб, бир иш билан банд. Ҳоҳида ўзи ясаб олган қўлбола замбил-ғалтагида ун ёки картошка ташиб қолади.

— Ҳа, ўспирин, ун ташиб қолибсиз? — деб ҳазиллашади тенгдошлари.

— Сенлар билмайсанлар, ун рўзғорнинг боши. Бир сиқимини қорсанг, кичикроқ зувала хамир бўлади. Ундан бир қозон угра ёки шилпилдоқ пишади. Мана шунчаси эса, бир тандир нон, — деб икки қўлини ҳовуч қилиб кўрсатади.

— Дўкон тўла нон, тандирга на ҳожат? — сўрашади ҳамроҳлари.

— Тўғри, нон сероб, лекин меҳмон сендан сўрамайди, тўсатдан келади. Озгина хамир қилсанг, қўлинг ўргилсин қатлама тайёр, ҳали иккитасини бизнинг уйга чиқарворинг дерсан, — деб замбил-ғалтакни ғилдиратиб кетади.

Яна у кишининг бир яхши одати бор. Бўш қолдим дегунча томорқага уннайди. Ҳар йили икки-уч марта ҳосил олади. Арпа-буғдой, жўхори экишни ҳеч канда қилмайди.

— Сенинг танглайингни дон билан кўтаришганми? — дейишади дўстлари.

— Ҳа, шундай. Олтин-кумуш тош бўлур, арпа-буғдой ош бўлур. Отабувамиз деҳқончиликни дон экишдан бошлаган. Ғаллада гап кўп. Бир ҳовуч дон экканг, юз ҳовуч ҳосил оласан, — деб ҳовучини кўрсатади яна.

— Ҳа, оғайни, ғаллани фақат ўз вақтида эка бил, дейишган машойихлар. Мош билан буғдой «ерга тушсам кўкараман-у, лекин ҳўкиздан уяламан-да», дер экан. Маккажўхори ҳам шундай. Олимларимизга балли, қирқ кунда пишадиган оқ жўхори яратишибди.

— Ундан ҳам эканингми?

— Экканда қандоқ! Бир ҳовуч экдим. Ўзиям роса серҳосил экан. Ҳар тупида икки-уч сўта. Сербарака. Битта сўтага бемалол ҳовучинг тўлади, — деб йирик ва серқадоқ қўлларини кўрсатади у. — Уйдаги мол-ҳолу товуқ-жўжага Худо бериб қолди, бир-икки сиқимини димласам, кечгача тўқ, ем-хашакка қайрилиб қарамайди.

— Сени олдингда турсак, ҳали сувни ҳам ҳовучларсан-а?

— Ҳа, албатта, ҳовуч бу — ўлчов, ҳовуч бу — барака. Сувни ҳам ҳовучлаб ишлатаман. Ҳовучда гап кўп, биродар...

Юнус ЗИЁДОВ

«POYTAXT AUKSION»
давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 12,15,19,22,26,29 февраль кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уйда жойлашган Собир Раҳимов тумани Гаражлар бошқармаси давлат унитар корхонасига қарашли:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AQ 667 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 4 000 000 сўм.

— 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AS 914 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 2 500 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-23-40.

Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 25 декабрь сонида берилган танлов савдолари тўғрисидаги эълонида кўрсатилган 17-позиция «Олтинкўл туманидаги 834 ўринли 8-мактабни капитал таъмирлаш», 29 декабрь сонида берилган эълондаги 36-позиция эса «Избоскан тумани, «Намуна» қишлоғидаги 640 ўринли 20-мактабни капитал таъмирлаш» деб ўқилишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 50-уйда жойлашган «Авайхон-нон» заводи МЧЖга қарашли ошхонага берилган ер ва бинога эгалик ҳуқуқини берувчи реестр рақами 9-45/2007-сонли Давлат кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
15774 nusxada bosildi
t — Tijorat materiali
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda